



O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№28

2025-yil

16-iyul, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqqan boshlagan



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.Мирзиёевнинг
“Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик
байрамига тайёргарлик кўриш ва уни
ўтказиш тўғрисида”ги
қарори эълон қилинди.**

Қарорга кўра:

— миллий истиқлолнинг 34 йиллик шонли санаси Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб тарзда, юксак савияда нишонланади.

— мустақиллиқнинг 34 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ҳолда ўтказилади.

— байрам Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ҳамда туманлар, қишлоқ ва овулларда муносиб қарши олиниши таъминланади.

— “Она диёр – ранглар жилосида”, “Ватан учун яшайлик!”, “Энг улуг, энг азиз” каби анъанавий кўрик-танловлар юқори даражада ўтказилади.

Ўтказиладиган байрам тадбирлари:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрийлик асосидаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

б) Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА

ШОШМА-ШОШАРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бугунги кунда глобал масалага айлангани сир эмас. Ўзбекистон миллий сиёсатида ҳам стратегик аҳамият касб этадиган ушбу мавзу мутахассислар, масъуллар диққат марказида. Зеро, бу бевосита ижтимоий-иқтисодий вазият, табиий-иқтисодий салоҳиятга таъсир қиладиган долзарб масаладир.

Айни пайтда, озиқ-овқат хавфсизлиги аҳолининг тўлов қобилияти, миллий бозорнинг импортга қарамлик даражаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби кўплаб соҳаларни қамраб олади. Демак, бу нафақат иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, балки мамлакат мустақиллиги, ҳеч кимга қарам эмаслигининг асосий шартларидан бири ҳамдир. Айни шу жиҳатдан ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини ислоҳ қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш зарур.

► (Давоми 3-бетда)

СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

"ХАВФСИЗ ЙЎЛ" МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

ИНСОНЛАР ҲАЁТИНИ АСРАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

► (Давоми 2-бетда)

ХОРИЖ ПАРЛАМЕНТИ

ГЕРМАНИЯДА “СЎЛЛАР” ЕТАКЧИ

СИР ЭМАСКИ, СИЁСАТДА СЎЛЛАР ВА ЎНГЛАР ТУШУНЧАЛАРИ МАВЖУД. ОДАТДА ЧАП ВА ЎНГ ҚАНОТ СИЁСАТИ КЎПИНЧА БИР-БИРИГА ҚАРАМА-ҚАРШИ ҲИСОБЛАНАДИ. БИРОҚ БИР ШАХС ЁКИ ГУРУҲ БИРОР МАСАЛА БЎЙИЧА ЧАП ҚАНОТ ПОЗИЦИЯСИНИ ВА ЯНА БОШҚА ҲОЛАТДА ЎНГ ҚАНОТ ПОЗИЦИЯСИНИ ЭГАЛЛАШИ МУМКИН. ЯЪНИ, ИЛГРИ СУРАДИГАН ҒОЯЛАРИ, ТАШАББУСЛАРИ АКСАРИЯТ ЖИҲАТДАН БИР-БИРИГА ҚАРШИ ТАРАФЛАР БАЪЗИДА БИР ХИЛ ХУЛОСА ЁКИ ФИКРГА ЭГА БЎЛИШИ ТАБИИЙ ЖАРАЁНДИР.

Энди бу атаманинг “дунёга келиши” ҳақида икки оғиз сўз. Маълумотларга қараганда, мазкур атама илк марта Францияда пайдо бўлган. Ўшанда сўл “ҳаракат партияси”, ўнг эса “тартиб партияси” деб аталган. “Сўл қарашлар” ижтимоий тенглик, адолат ва жамоавий масъулиятни таъкидлайдиган сиёсий мафкура бўлиб, кўпинча капиталистик тузум ва индивидуализмга қарши саналади. Шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликни чеклаш, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш, ижтимоий дастурларни қўллаб-қувватлаш ва эҳтиёжманд кишилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тарафдори.

► (Давоми 7-бетда)

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ



САВОБЛИ АМАЛ САРОБГА АЙЛАНМАСИН

Мақтаб қурган ва шифохона бунёд этган саховатпеша инсонларни кўрганмиз. Кам таъминланган оилаларга уй совға қилган-у беморларнинг энг қиммат жарроҳлик амалиётлари харажатини бўйнига олган олижаноб юртдошларимиз ҳақида тез-тез эшитамиз. Узун туманининг “Гулистон” маҳалласида яшовчи Илҳом Омонов ҳам ана шундай савобталаб замондошларимиздан. Жорий йилнинг бошида у тумандаги 8-умумтаълим мактаби филиалига ўз ҳисобидан кичик ўйингоҳ (мини стадион) қуриб беришга бел боғлаган эди. Орадан ярим йилдан ортиқ вақт ўтибдики, ҳамон амалий иш бошлангани йўқ.

Сабаби билан қизикдик. Масалани атрофлича ўрганиш мақсадида аҳоли вакиллари ва ота-оналар билан учрашдик. Тадбиркорнинг фикрларини тингладик.

► (Давоми 6-бетда)

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ



СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

"ХАВФСИЗ ЙЎЛ" МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

ИНСОНЛАР ҲАЁТИНИ АСРАШДА МУҲИМ ҚАДАМ



Юқори синф ўқувчиси бўлган фарзандимизга ўқишга ёки машғулотларга кетиши чоғида йўлда эҳтиёт бўлишини, чорраҳадан ёлғиз ўтмаслигини қаттиқ тайинлаймиз. Яқин инсонимиз автоуловда сафарга отланса, хавотирга ўхшаш муздек нимадир юрагимизни тирнаб ўтади: "Ишқилиб, соғ-омон қайтсин!". Пиедалар ўтиш жойида яшил чироқ ёниб турса-да, юришга шошилмаймиз, ўқдай учиб келаётган автомашинанинг ғилдираклари остида қолиб кетиш қўрқуви бор.

Ўзимиз англаб-англамай кундалик одатимизга сингиб кетаётган бу савки табиий ҳол аслида нормал жамият учун хос эмас. Йўлда ҳаракатланиш на пиедада, на ҳайдовчида хавотир, ҳадик ва асабий таранглик ўйғотмаслиги керак. Афсуски, юртимизда бунинг акси ўлароқ йўл-транспорт ҳодисалари бугуннинг долзаб ижтимоий-иқтисодий муаммолари қаторида тургани рост. Ҳатто лугатимиздан "автотеррорист" сўзи ҳам жой олдики, кунда-шунда йўлларимизда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар, дахшати фожеалар, зиёлиларнинг таъбирича, "инсониятга қарши жиноят"лар кети узилмаётир. Йўл қоидабини менсимай, ёш умрларни завол қилаётган ҳайдовчиларни белгига мина боғлаган худқушга қиёслашларида жон бор.

Статистикага юзланамиз. Мамлакатимизда 2023 йилда йўл ҳаракати билан боғлиқ жами 16 миллиондан ортиқ қоидабузарлик қайд қилинган. Содир этилган 9 минг 839 та ИТХ оқибатида 9 минг 209 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 минг 282 нафар киши ҳалок бўлган. Болалар билан боғлиқ 1 минг 794 та ИТХ туфайли 1 минг 568 нафар ўғил-қиз жароҳатланган, 263 нафар бола ҳаётдан кўз юмган. Ўтган йили эса 9 минг 364 та шундай ҳодиса юз берган. Уларда қарийб 9 минг фуқаро жароҳат олган. Энг ачинарлиси, 2 минг 203 нафар инсон (улар орасида болалар ҳам оз эмас) ИТХ қурбони бўлган.

Тўғри, 2024 йилда йўл-транспорт ҳодисалари ва уларда жароҳатланганлар, вафот этганлар сони 2023 йилга нисбатан кичик фоизга бўлса-да, қамайган, бироқ йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан назорат ҳали ҳам тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганидан кўз юмолмаймиз. Урганишлар ўтган йилги ИТХнинг 47,1 фоизи ҳайдовчилар томонидан пиедаларга йўл бермаслик, 3,7 фоизи ухлаб қолиш, 22,8 фоизи белгиланган тезликка ва 3,6 фоизи светофорга амал қилмаслик оқибатида содир бўлганини кўрсатмоқда.

РАҚАМЛАРДА ҲАҚИҚАТ ЮКИ

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 1,3 миллиондан ортиқ одам – бу ҳар 24 сонияда 1 киши деганидир – йўл-транспорт ҳодисалари туфайли ҳалок бўлади. Яна 20 миллиондан 50 миллионгача инсон худди шу сабаб турли жароҳатлардан азият чекади. ИТХда кузатилаётган ҳар 10 ўлимдан 9 таси паст ёки ўрта даромадли мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Ваҳоланки,

паст даромадли мамлакатларда дунё автомобилларининг атиги бир фоизи мавжуд бўлса-да, уларда ИТХ туфайли ўлим хавфи юқори даромадли мамлакатларга қараганда уч баравар кўп. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлиллари дунё миқёсида ИТХ 5 ёшдан 29 ёшгача бўлган болалар ва ёшлар ўлимининг асосий сабаби бўлиб қолаётганини кўрсатаётир.

Аёнки, йўлларимизда кўп сонли ҳаёт йўқотишларининг олдини олиш мумкин. Бунинг учун эса мамлакат транспорт тизимлари марказига автомобилларни эмас, балки инсонларни қўйиш, болалар, пиедалар, велосипед ва мотоцикл ҳайдовчилари, ногиронлиги бўлган шахслар каби ҳимоясиз йўл ҳаракати қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш айна зарурат.

Ўтган ҳафтада Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш ва тирбандликларни қамайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида масаланинг ўшбу жиҳатига алоҳида урғу берилгани бежиз эмас.

– Ҳар тўртинчи аварияда бир киши ёки кунига ўртача олти киши вафот этаётгани барчани қаттиқ ташвишга солиши керак, – деди давлат раҳбари.

Шу нуқтаи назардан йўл инфратузилмаси хавфсизлигини кучайтириш, бунинг учун эса, энг аввало, йўлсозлик ишларини янги босқичга чиқариш кун тартибига қўйилди.

ОҚИЛОНА ЕЧИМ

Ёдингизда бўлса, ўтган йили БМТ Ўзбекистонда ҳаракат хавфсизлиги бўйича тадқиқот ўтказиб, айнан йўл-транспорт ҳодисалари мамлакат тараққиёти ва соғлиқни сақлаш тизими учун жиддий муаммо эканини баён қилган эди. Тадқиқотда Ўзбекистонда хавфсиз йўлларга эришиш учун ҳаракат хавфсизлигини мунтазам равишда текшириб бориш, барқарор транспорт турларини, жумладан, жамоат транспорти, пиеда ва



велосипедда ҳаракатланишни кенг тарғиб қилиш, йўлларни лойиҳалаш стандартларини янгилаш, замонавий транспорт тизими талабларидан келиб чиқиб йўллар ва кўчаларнинг функционал таснифини ишлаб чиқиш, тезликни мувофиқлаштириш, жазо чоралари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, соҳада институтуционал ва инсоний салоҳиятни мустаҳкамлаш вазифалари долзарб экани кўрсатиб ўтилди.

Видеоселектор йиғилишида мавжуд муаммолар ечими ўлароқ белгилаб берилган аниқ чора-тадбирлар мана шу вазифаларни тўла-тўқис қамраб олди, десак, янглишмаймиз.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл қурилиши ва таъмирлашга 61 триллион сўм ажратилган. Бу – 2017 йилгача берилган маблағлардан 3,5 баробар кўп. Бундан ташқари, соҳада онлайн мурожаат тизими ишга тушгач, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларига келадиганлар 50 фоизга қамайган. Қоидабузарликларни сўнъий интеллект асосида саралаш ва қарор чиқариш амалиёти жорий қилинган. Нафақат марказий ҳудудларда, балки кўплаб туманларда ҳам йўл инфратузилмаси яхшиланиб, автоҳалокатлар эҳтимоли қамайтирилган. Лекин 20 та ҳудудда ИТХ сони юқорилигича қолаётгани, умуман, бундай ҳодисалар оқибатидаги зарар ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача 0,4 фоизга етгани бу борада мазмун-моҳиятан янги ёндашувларни татбиқ этишни тақозо қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, эндиликда юртимизда "Хавфсиз йўл" миллий дастури ишга туширилиши, "Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиеда" республика жамғармаси фаолияти қайта ташкил қилиниб, ҳукумат бўйсунувига ўтказилишини энг тўғри ечимлардан, дейиш мумкин.

Маълум қилинишича, мазкур жамғарманинг ҳар бир вилоятда алоҳида ҳисоб рақами бўлади. Ички ишлар тизимидаги йўл белгилари ва светофор



ўрнатиш, йўл чизиклари чизишга масъул корхоналар ҳам вилоят тасарруфига ўтказилади.

Жамғарманинг фаолияти шаффоф бўлиши, унга келиб тушаётган маблағлар, биринчи навбатда, авария ўчоқлари бўлган хавфли жойларни тартибга солишга йўналтирилиши яна бир аҳамиятли жиҳатдир.

Шунингдек, йўллар бўйича аҳоли фикрини ўрганадиган электрон портал очилиши, одамлар у орқали қаерга белги, пиедалар йўлаги ва светофор кераклиги ҳақида овоз бериши



мумкинлиги, порталга қилинган ишларнинг видео ва фотолари ҳам қўйиб борилиши тизимда интерактив мулоқотнинг шаклланишига олиб келади. Бундай мулоқот, сўзсиз, йўлсозликдаги муаммоларининг барҳам топишида фуқаролар иштирокини кенгайтиради.

Йиғилишда яна бир муаммо тилга олинди. Айтилишича, ҳозирда автомобиль йўлларида 1 минг 200 дан ортиқ қайрилиб олиш жойи бўлса, шундан

фақатгина 146 тасида ер ости ва ер устидан қайрилиш мумкин. 10 мингдан зиёд пиеда ўтиш жойларининг атиги 154 тасида шундай қулайлик бор. Шу боис Транспорт вазирлигига Жаҳон банки иштирокида Тошкент – Самарқанд – Термиз, Тошкент – водий ҳамда Самарқанд – Бухоро йўналишидаги халқаро йўлларнинг хавфсизлик талабларига мослигини диагностика қилиш топирилди. Ушбу таҳлиллар асосида йўлларда қайрилиб олиш ҳамда пиедалар ўтишини хавфсиз қилиш, белгилар ва чизикларни қулайлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқиладиган бўлди.

АСОСИЙ МУАММО – ҲАЙДОВЧИЛАР МАДАНИЯТИ

2025 йил 1 апрель ҳолатига Ўзбекистонда жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситалари сони 4 миллион 522,1 мингташи ташкил этган. Уларнинг 93 фоизи энгил автомобиллар.

Турган гапки, бу рақамлар йил сайин ўсиб бормоқда. Аҳолимизда шахсий автомашинага эгалик қилишга, бугунги тезкор замонда унинг қулайликларидан фойдаланишга интилиш, қолаверса, автомобиль сотиб олиш учун кредитлар жорий этилиши, моддий имкониятнинг ортиши автоуловлар сони ортишига олиб келаётгани қувонарли. Лекин бир яхшининг бир ёмони деганидек, кўплаб ривожланган давлатларда пиедалар зоналари, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларини ташкил

содир қилганлар учун бир йилгача жаримадан чегирма берилмайди. Бундай ҳуқуқбузарликлар бир ой ичида 10 тадан кўп бўлса, олти ойгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинади. Меъёрдан 2-3 қарра тез юрганлар ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишгача жазоланиши мумкин.

Жамиятимизда ҳайдовчилик маданияти, пиедаларга йўл бериш, масофа сақлаш каби кўникмалар шаклланмас экан, юқоридаги каби қатъий жазолар билан тийиб туриш орқали йўлларда ўлимлар сонини қамайтириш мумкин ва бизнингча, ҳозирда мақбул чора ҳам шу!

Ирина ТОКАРЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:



–Йўл-транспорт ҳодисалари жамият ҳаётининг барқарорлигига, кишилар турмушига, соғлигига таъсир қилаётган жиддий муаммо. Бундай ҳодисалар сонини қамайтириш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигига эришиш учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Хавфсиз йўл" миллий дастури ишга туширилиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

"Хавфсиз йўл" миллий дастурини амалга оширишда фақат мутасаддилар эмас, барча бирдек иштирок этмоғи лозим. Чунки бу ҳаммамизга дахлдор масала. Ахир барчамиз йўл ҳаракати иштирокчиларимиз, кимдир ҳайдовчи, кимдир пиеда... Мазкур жараёнда ҳайдовчилар билан бир қаторда пиедаларнинг ҳам йўлда ҳаракатланиш бўйича билимларини, тартиб-интизомини ошириш керак, назаримизда.

Оғриклиси, ёшларимиз орасида йўл қоидаларига беписанд қараш ва эътиборсизлик жуда оммалашган. Бу ва бунинг ортидаги нохуш оқибатларга қарши курашиш учун таълим муассасаларида, маҳаллаларда фаол тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Шу жиҳатдан эндиликда мактаб ва боғчаларда ҳаракат хавфсизлиги бўйича ўқитиш дастурлари янгиламиниш, "Яшил чироқ" мусобақалари қайта тикланиб, республика ёғлибларига Президент совғаси берилиши, йўл ҳаракати қоидалари бўйича видео ва анимацион контентлар яратилишини мамнуният билан қўллаб-қувватлаймиз.

Видеоселектор йиғилишида юртимизда шахарлараро жамоат транспорти тизими йўлга қўйилмагани масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Ўрта ва узоқ масофага қатнайдиган жамоат транспортини ривожлантириш чоралари белгиланди. Пойтахт жамоат транспорти ягона агломерация тизимига ўтиб, Тошкент вилоятининг барча туташ ҳудудларини қамраб олиши, жамоат транспортлари парки замонавий автобуслар билан тўлдирилиши, натижада Тошкент шаҳрида 25 мингта энгил машина қатнови қамайиши айтилди. Шаҳарлар ва вилоятлараро жамоат транспорти қатновлари ҳам яхшилиниши, улар учун божхона божидан имтиёз қўлланилиши маълум қилинди.

Йўл ҳаракати қоидаларига қатъий бўйсунмиш қонуний мажбурият ва ижтимоий масъулият ҳисобланади. Бу масъулиятни қачонки ҳар биримиз англаб, чўқур хис қилсак, йўлларда инсонлар, хусусан, болалар ўлими билан боғлиқ ачинарли ҳолатлар юз бермайди.

Демак, йўлларда хавфсизлик кафолати ўз қўлимизда.

Фарида МАҲҚАМОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

МУНОСАБАТ

РИВОЖЛАНИШНИНГ
ЯНГИ БОСҚИЧИ



Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Янги Ўзбекистонда отаётган ҳар бир янги тонг хайрли мақсадларимиз сари йўл очаётгани халқимизнинг осойишта ва фаровон ҳаётида яққол акс этмоқда. Мана шундай шуқуҳли кунларда миллий истиқлолимизнинг ўттиз тўрт йиллик шонли санасини ҳар томонлама муносиб, юксак савияда нишонлаш тадориги шаҳар-у қишлоқларимизда, ҳар бир маҳаллада қизгин бошлаб юборилди.

34 йил тарих учун кўз очиб-юмгулик фурсат. Аммо ушбу қисқа даврда, аввало, эл-у юртимизнинг хошиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир. Айниқса, сўнгги саккиз йилда Ватанимиз ривожланишнинг том маънода янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий соҳаларидаги ислохотлари халқро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Ўзбекистон ўз олдига қўйган узок мuddатли мақсадлар орқали халқ фаровонлигини таъминлаш, иқтисодиётни янада мустаҳкамлаш ва сиёсий барқарорликни сақлашга интилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Ўзбекистон-2030” стратегияси асосида жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадрли, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши кўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш жараёни изчиллик касб этмоқда.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти кескин ўзгарди. Барча жабҳада инсон қадрли ва халқ манфаати устуворлигини таъминлаш йўлидаги дадил ислохотлар натижасида қисқа мuddатда иқтисодиётимиз шиддат билан ўсиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми тарихда биринчи марта 110 миллиард АҚШ долларидан ошди. Юртимизда “яшил” ва инновацион иқтисодиётга ўтиш, муқобил энергия манбаларини яратиш бўйича улкан дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, таълим тизимида янги ривожланиш босқичи йўлга қўйилди. Халқ таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот соҳаларида замонавий имкониятлар яратилмоқда. Ёш авлодга сифатли таълим бериш учун давлат бюджетидан салмоқли маблағлар ажратилмоқда.

Мустақиллик куни – Ўзбекистон халқининг миллий байрами. Ҳар йили бу кун ўзгача тантана билан нишонланади, мамлакат бўйлаб турли маданий тадбирлар, концертлар, кўргазмалар ва илмий-амалий анжуманлар ўтказилади. Ушбу байрам халқимизнинг ўз эрки, юртга муҳаббати ва келажаққа бўлган ишончини нишонлаш куни ҳамдир. Зеро, миллий суверенитет ва мустақиллик Ватан учун, миллат учун, халқ учун хизмат қиладиган мустаҳкам сиёсий-ижтимоий замин ҳамда куч-қудрат манбаи ҳисобланади.

МУСТАҚИЛЛИК - ЮРТИМИЗ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ



Сирожиддин ШОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент
шаҳар кенгаши раиси в.в.б.

Мустақиллик — бу халқнинг тарихи, бугунги барқарорлиги ва келажаги таянчидир. Мустақиллик сабаб Ватанимиз тарихида янги давр бошланди — давлатчилигимиз тикланди, миллий кадриятларимизга асосланган янги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизим шаклланди.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосида қўлга киритилаётган ютуқлар мустақиллигимизнинг ҳаётий ва амалий самараси сифатида намоен бўлмоқда. Демократик, ижтимоий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёт сифати ва имкониятларини кенгайтириш бугунги сиёсатнинг устувор йўналишига айланган.

Партиямиз бугунги янгиланиш ва тараққиёт жараёнларида ўзининг дастурий мақсадлари, ғоявий йўналишидан келиб чиқиб, фаол иштирок этмоқда. Партиямиз учун Мустақиллик байрами — халқ манфаатларини таъминлаш, ижтимоий барқарорлик ва тенгликни мустаҳкамлаш, адолатли кучли жамият барпо этиш йўлидаги ҳаракатларимиз билан ҳамоҳанг руҳда ўтказиладиган ғоявий-маънавий

тантанадир.

Бу улуг сана партиямизнинг “Кучли ижтимоий сиёсат – адолатли жамият таянчи” деган шиори мазмунини янада аниқ ва самарали акс эттиришга хизмат қилади.

Президент қарори асосида давлат мустақиллигимизнинг 34 йиллиги “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғоя билан нишонланиши – биз учун муҳим илҳом ва масъулият манбаидир.

Шу муносабат билан партиямизнинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан кенг қўламли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилади. Депутатларимиз, партия фаоллари иштирокида пойтахтимизнинг турли ҳудудларида, маҳаллаларда, бошланғич партия ташкилотларида аҳоли билан очиқ мулоқотлар, маънавий-маърифий суҳбатлар ва истиқлол ғояларини ёритувчи байрам тадбирлари ўтказилади.

Ёшлар – бизнинг энг катта бойлигимиз, эртанги кунимиздир. Шунинг учун “Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори остида учрашувлар, мулоқотлар ўтказилиб, уларга истиқлол тарихи, истиқболдаги мақсадлар, уларни амалга оширишда ёш авлоднинг роли, ҳуқуқ ва имкониятлари ҳақида кенг маълумотлар берилади. Партиямиз ёшларни замонавий билим ва касб-ҳунарларга, фуқаролик фаоллиги ва ватанпарварликка даъват этади.

Шунингдек, 34 йиллик байрам муносабати билан партия томонидан кам таъминланган оилаларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга амалий ёрдам кўрсатиш, ҳашар ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш орқали халқ билан яқин алоқа янада мустаҳкамланади.

Мустақиллик – бу халқнинг эрки, миллий ғурури ва келажаққа бўлган ишончи. Биз бу неъматни асраб-авайлаш, унинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш, юртдошларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар ясашга ҳисса қўлишни ўзимизнинг устувор вазифамиз, деб биламиз.

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА

ШОШМА-ШОШАРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу кунларда қуйи палатанинг турли даражадаги йиғилишларида муҳокама қилинаётган лойиҳалардан бири айни шу масалага тааллуқлидир. Хусусан, “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси фракция йиғилишида иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қайд этиш керакки, мазкур йўналишдаги амалдаги қонун 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини таъминлашдаги замонавий талабларга, ЖСТнинг санитария-фитосанитария чораларини қўллаш тўғрисидаги келишувни тамойилларига жавоб бермайди. Шунинг учун қонунчиликни такомиллаштиришга, бошқача айтганда, янгилашга зарурат бор эди. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлашнинг халқро талабларини жорий этиш, ваколатли органларнинг вазифаларини аниқ белгилаш лозим.

Мазкур масалалар кўриб чиқилар экан, фракция аъзоси Сайёра Имомова мулоҳазаларини билдирди. Депутатнинг фикрича, қонун лойиҳасида назарда тутилмаётган масалалар долзарб. Бироқ унда таклиф этилаётган меъёрларни амалга ошириш учун кадрлар масаласини ҳал қилиш лозим. Акс ҳолда, ўзгаришлар қозғошда қолиб кетаверади. Қолаверса, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, хавфсизлиги, моддий таъминланган даражасини ҳам назардан қочириб қолди. Зеро, яхши кадр рағбатлантирилмаса, самарадорлик ва натижа бўлмайди. Депутат бу борада ҳам ўз таклифларини ўртага ташлади.

Янги қонун лойиҳаси 5 боб, 44 моддадан иборат бўлиб, аҳоли учун қулай яшаш шароитларни яратишга, уларни

хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган. Қонун лойиҳасининг ижтимоий аҳамияти юқори экани, Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига хизмат қилиши, шунингдек, уни тайёрлаш жараёнида фракциямиз аъзолари фаол иштирок этгани ҳисобга олиниб, лойиҳа қўллаб-қувватланди.

ФРАКЦИЯ ҚОНУН
ЛОЙИҲАСИНИ
МАЪҚУЛЛАМАДИ

Айтиш керакки, Халқ демократик партияси фракциясининг бу галги йиғилиши ҳам баҳс-мунозаралар, фикр ва муносабатларга бой ўтди. Айрим масалалар эътирозларга учраган бўлса, баъзилари билдирилган таклифлар асосида кейинги ўқишларгача кўриб чиқиладиган бўлди.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Жаҳонда озиқ-овқат, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бораётган бугунги кунда ушбу қонун лойиҳасининг аҳамияти катта бўлмоқда. Шу сабабли, лойиҳа яқинда Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қизгин баҳс-мунозаралар асосида кўриб чиқилган эди.

“Дала четларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига биринчи ўқишда фракциямиз томонидан эътирозлар билдирилган эди. Шуларни ҳисобга олиб, лойиҳа ижодкорлари иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида бир қатор



ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

ўзгаришлар киритди.

Жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш белгиланган майдонларида ҳар йили 1 майга қадар экин экилмаган тақдирда мазкур ер участкасининг экин экилмаган қисми учун ер солиғи ставкаси уч баравар миқдорда оширилган ҳолда ҳисобланиши белгиланган бўлмоқда. Ваҳоланки, биринчи ўқишга кирган тахрирда мuddат 1 апрелгача, ер солиғи эса ернинг экин экилмаган қисми учун эмас, балки бутун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари учун уч баравар солиққа тортиш кўзда тутилган эди.

Муҳокамалар узок давом этди. Фракциямиз аъзолари иккинчи ўқишгача киритилган ўзгаришлар етарли эмас, деган фикр билдирди. Қонун лойиҳаси рағбатлантириш эмас, асосан жазолашга йўналтирилгани, амалдаги муҳим меъёрий ҳужжатларга зид жиҳатлари ҳали ҳам борлиги қайд этилди. Яқинда фракция аъзоларининг кўпчилиги қонун лойиҳасини маъқулламай овоз берди.

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ ТИНЧ
БЎЛСИН

Ҳа, ҳар биримиз ижтимоий келиб чиқишимиз ва ким эканимиздан қатъи назар, маҳаллаларда яшаймиз. Демак, ушбу манзилнинг хавфсизлиги мамлакат барқарорлигининг асосий кафолатларидандир. Фракциямиз аъзолари ташаббускорлар тайёрлаган шу масалага оид қонун лойиҳасини айни ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда баҳолади. Гап шундаки, маҳалларда хавфсиз муҳитни яратиш,

ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими ҳамда жамоат тартибини сақлаш соҳасига оид қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокамадан ўтказилди.

Биламизки, криминоген вазият оғир маҳаллаларда ҳолатни барқарорлаштириш ҳамда жиноятларни барвақт профилактика қилиш мақсадида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти такомиллаштирилиб, профилактика бош ва кичик инспектори лавозимлари жорий этилган. Бироқ ички ишлар органлари тизимидаги ишларни кўриш ва чораларни қўллаш ваколати фақат маҳалладаги профилактика инспекторларига берилган бўлиб, бундай ваколат ҳуқуқ-тартибот масканларидаги бош ва кичик инспекторларида мавжуд эмас.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан ҳуқуқ-тартибот масканларидаги ушбу инспекторларга маъмурий ишларни кўриш ва чораларни қўллаш ваколати берилмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда ички ишлар органларининг патрул-пост хизмати инспекторларига аниқланган айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий баённомалар расмийлаштириш ваколати белгиланган бўлса ҳам ушбу маъмурий баённомалар юзасидан чораларни қўллаш ваколати тизимдаги бошқа мансабдор шахсларга, жумладан, иш юкламаси катта бўлган туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиқлари ва ўринбосарлари, транспортда хавфсизлигини таъминлаш бўлиномалари бошлиқлари ҳамда профилактика инспекторларига юклатилган.


Мазкур ҳолат маълум иш бўйича қарор қабул қилинишда фуқароларнинг ортиқча вақт сарфлашига сабаб бўлмоқда. Кун тартибидеги қонун лойиҳаси билан патрул-пост хизматининг мансабдор шахслари томонидан тузилган маъмурий баённомаларни кўриб чиқиш ваколати уларнинг раҳбариятига ҳам берилмоқда.

Тинчлик ва барқарорлик жамият тараққиёти, фарзандларимиз келажаги ҳамда юрт истиқболини таъминлашнинг бош мезони экан бу каби масалаларда шошмаслик, пухта ўйлаб, қарор қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди. Ўзгартириш қилиш осон, бироқ унинг амалиётдаги самараси меҳнат ва вақт талаб қилишини унутмаслик кераклиги қайд этилди. Фракция аъзолари билдирган бир қатор таклифлар келгуси ўқишларга қадар ўрганиб чиқилишига келишилди. Фикр-мулоҳазалар, савол-жавоблар якунида лойиҳа концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Халқ демократик партияси фракцияси ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан ўз позициясини билдирди. Халқ манфаатларига хизмат қиладиган, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Шерзод ОТАЕВ,
Хоразм вилоят ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида жадал иқтисодий ривожланиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашда уй-жой сиёсатиға ҳам алоҳида ўрин берилган. Бу бежиз эмас. Юртимизда демографик кўрсаткичларнинг жадал ўсиб бораётгани, қолаверса, халқимиз шахсий уй-жойға эға бўлишни муносиб ҳаёт кечиришининг асосий шартларидан деб билиши аини масалаға узоқни кўзлаган ҳолда пухта ёндашувни талаб қилмоқда. Ижтимоий ҳаётимизнинг барқарорлиги ҳам уй-жой сиёсати билан бевосита боғлиқ.

Айтиш керакки, ана шу омиллар сўнгги саккиз йилда қурилиш соҳасида туб ўзгаришларға туртки берганини бугун республикамиз шаҳар ва кишлоқлари чинакам бунёдкорлик марказларига айланаётгани мисолида яққол кўриб турибмиз. Мамлакатимизда қурилиш ишлари, жумладан, уй-жой барпо этиш 2020 йилдан эътиборан нодавлат сектор қўлиға ўтгани соҳада рақобат муҳитини юзаға келтирмоқда. Жойларда замонавий инфратузилмага эға бутун бошли янги массивларнинг пайдо бўлаётганида хусусий пудрат ташкилотларнинг ўрни ва роли катта. Шу билан бирға, қурилиш соҳасида сифат ва хавфсизлиқни кафолатлаш масалалари ҳам тобора долзарб бўлиб бораётганини яширишининг ҳожати йўқ.

Замонавий жамият ҳаётида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси бевосита инсон саломатлиги, хавфсизлиги ва фаровонлигиға таъсир қиладиган энг муҳим йўналишлардан саналади. Ҳар қандай бино ва иншоот нафақат эстетик кўринишға, балки биринчи навбатда мустаҳкамлик, хавфсизлик ва экологик талабларға жавоб бериши лозим.

Қурилиш соҳасида назорат қилиш – бу фақатгина ҳужжат текшируви эмас. Бу ерда

гап инсонларнинг ҳаёти ва саломатлиги ҳақида кетмоқда. Лойиҳанинг тўғри ишлаб чиқилиши, қурилиш материалларининг сифатли бўлиши, қурувчиларнинг малакаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиниши – буларнинг барчаси назорат остида бўлиши шарт. Акс ҳолда ҳалокатли оқибатларға олиб келадиган хатолар юз бериши мумкин.

Хусусан, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат бўлмаса, аҳолининг турмуш даражаси пасаяди. Иситиш, ичимлик суви, электр энергияси ва канализация каби хизматларнинг узлуксиз ва сифатли бўлиши доимий мониторингға боғлиқ. Бугунги кунда бу хизматларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали уларни янада қулайлаштиришға ҳаракат қилинмоқда. Президентимизнинг 2025 йил 14 апрелдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам шу мақсадға қаратилган бўлиб, унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг устувор вазифалари белгилан берилди.

Шулардан келиб чиқиб, Хоразм вилоят

ҚУРИЛИШДА НАЗОРАТ – ХАВФСИЗЛИК ВА ИШОНЧ ГАРОВИ

ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳам қатор ишлар амалға оширилмоқда.

ПОЙДЕВОРДАН ТОМГАЧА

Иншоот барпо этишда унинг пойдеворини қўйишдан тортиб, энг мураккаб муҳандислик тизимларини ўрнатишғача бўлган ҳамма босқичда инсонлар ҳаётини, мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш бош мақсад ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қурилиш-монтаж ишларига энгил қараш ёки кўзбўямачиликка йўл қўйишни асло кечириб бўлмайди.

Жорий йилда Хоразм вилоятида 2 минг 67 та қурилиш объектларида назорат ишларини олиб бориш режалаштирилган. Ўтган олти ой мобайнида қурилиш объектларида 15 минг 247 маротаба мониторинглар ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарийб 6 мингта ҳолатда бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди. Ёзма кўрсатмаларнинг 1812 таси буюртмачининг техник назоратиға, 2261 таси лойиҳачининг муаллифлик назоратиға ҳамда 1853 таси пудратчининг ички назоратиға тааллуқлидир. Ўтказилган мониторинглар натижасига кўра, объектларда қўлланилган сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлари юзасидан 46 та тақдимнома киритилди. 141 ҳолатда бажарилган сифатсиз қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилди, 621 та ҳолатда инспекция ваколоти доирасида маъмурий жарима расмийлаштирилди. Маъмурий жарималарнинг 487 таси буюртмачига, 43 таси лойиҳачига ҳамда 89 таси пудратчи ташкилотларнинг масъулларига нисбатан қўлланилган.

Бундан ташқари, 2025 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир қурилаётган объект бўйича “QR”-кодли паспортни жорий қилиш, унда объект номи, қурилишға рухсат олинган

сана, лойиҳа ва пудрат ташкилоти, объектни фойдаланишға топшириш муддати каби маълумотлар базасини яратиш белгиланган бўлиб, йил бошидан бери Хоразмда ҳудудий инспекция томонидан рўйхатға олинган 457 та объектға “QR”-кодли паспорт берилди.

КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАР – УМУМІЙ МАДАНИЯТНИ КЎРСАТАДИ

Бугунги кунда шаҳар жойларда аҳолининг салмоқли қисми кўп квартирали уйларда истиқомат қилмоқда. Кўп қаватли уйларни фақат бошпана эмас, балки бутун бир жамиятнинг маданияти, тарбиявий муҳитини ифода этувчи муҳим ижтимоий макон дейиш мумкин.

Кўп квартирали уй-жой фондини назорат қилишда хавфсизлик, санитария, экология ва ижтимоий барқарорлик масаласи энг олди ўринда туради. Уйларнинг том қисми яроқсиз бўлса, ёгин-сочинда сув ўтади, эшиклар бузилган бўлса, бу жиноятчилик хавфини оширади, электр тармоқларидаги носозлик эса ёнғин хавфини туғдиради.

Шу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳудудий инспекциямиз вилоятдаги мавжуд 1 минг 959 та кўп квартирали уйлардан бугунғача 410 тасининг техник ҳолатини ўрганиб чиқди. Ўрганиш жараёнларида 109 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди, 85 та ҳолатда ҳуқуқбузарларға нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди.

Барча соҳада, хусусан, қурилишда ҳам инсон манфаатлари устуворликка эға. Барчамиз шу тамойил асосида иш юрийтишға ҳаракат қилишимиз зарур. Бунинг учун эса қурилишда замонавий технологияларни жорий этиш баробарида сифат назоратини сусайтирмаслик олдимизда турган асосий вазифадир.

САРҲИСОБ



Аббор ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ЁШЛАР САЛОҲИЯТИГА ЭЪТИБОР – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОНПАРВАР ЙЎЛИ

Инсон қадри – Янги Ўзбекистон тараққиётининг бош мезони. Бу мезон амалда ҳар бир соҳада ўз ифодасини топмоқда. Ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан янгилаш, ногиронлиги бўлган фуқаролар учун ҳаёт сифатини яхшилаш, уларни жамиятнинг фаол иштирокчисига айлантириш – бугунги ислохотларимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу маънода, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан йўлга қўйилган “Орзулар дунёси” тасвирий асарлар танлови ҳамда ижтимоий ярмаркаси замонавий фаоллик, давлат ва жамият ҳамжиҳатлигида амалға оширилган намунавий лойиҳа бўлди.

ҲАЁТГА МУҲАББАТ

Аввало, ушбу акция ногиронлиги бўлган ёшларнинг истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва ҳаётға муҳаббатини кенг жамоатчиликка намоён қилиш имконини берди. Танлов ва ярмаркадан кўзланган мақсад – ижтимоий ҳимояға муҳтож ёшларнинг қобилиятини намоён этиш, уларни рағбатлантириш ва реал имконият эшикларини очишдир.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда бу тоифадаги ёшлар билан ишлашға нисбатан

тамоман янги ва инсонпарвар ёндашув шаклланмоқда. Уларға нафақат кўмак, балки тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида имконият яратиш – давлат сиёсатининг асл моҳиятиға айланди. Бу тоифа вакиллари орасида тасвирий санъат, қўл меҳнати, бадий асарлар яратиш, дизайн ва ижод соҳаларида улкан салоҳият эгалари бор.

Бироқ уларнинг қобилиятини намоён этиш, уни тан олиш ва оммага кўрсатиш имконияти ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Мана шу жиҳатни ҳисобға олган ҳолда, партия ташаббуси билан бутун республика бўйлаб амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

КАМЧИЛИКЛАР НИМА ЭДИ?

Соҳадаги муаммолардан бири – ижтимоий инклюзиянинг тўлиқ шаклланмаганидир. Яъни, ногиронлиги бўлган ёшлар кўп ҳолларда ижтимоий ҳаётдан узилган, ўзининг имкониятларини намоён этиш учун омма олдиға чиқа олмайди. Ижод намуналарини намоёйиш этиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тизими етарли эмас. Бу нафақат ёшларнинг ишончига, балки жамиятдаги муносабатларға ҳам таъсир қилади.

Муаммоларға амалий ёндашув эса масаланинг энг муносиб ва самарали ечими саналади. Чунки тан олишимиз керак бўлган бир ҳақиқат бор. Ногиронлиги бўлган ёшлар кўпинча ижтимоий ҳаётдан четда қолади, ўз қобилиятини намоён этиш учун эса минбар тополмайди. Улар томонидан яратиладиган махсулотлар, асарлар тижоратлаштирилмайди, меҳнати қадрланмайди. Бу эса уларнинг жамият ҳаётиға мослашишига тўсиқ бўлиб келмоқда. Бугун бу ёндашув бутунлай ўзгарди.

“Орзулар дунёси” ана шу ўзгаришнинг амалдаги ифодаси бўлди.

ҚАМРОВ ВА ИШТИРОК

Сарҳисоб қилинган ишлар натижасини кўрсатади. Шу боис рақамларға тўхталишни истардим. Масалан, акция доирасида 14 та ҳудудда ўтказилган тадбирларда 552 нафар ногиронлиги бор ёшлар ўзларининг 3 800 дан ортиқ ижодий

ва амалий асарлари билан фаол қатнашди. Бу жараёнда ташкил этилган ярмарка ва аукцион савдоларида 6 мингға яқин фуқаро иштирок этди.

Ушбу рақамлар – фақат статистика эмас. Бу – юзлаб орзуларнинг, юзлаб истеъдодларнинг, юзлаб инсонларнинг ҳаётға янада боғланиши, юракдан қилган меҳнатига “қадринг бор” деган жавобни эшитган лаҳзасидир. Бу ишонч, руҳий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ёндашув намунасидир. Ҳар бир ёшнинг кўзида “мен ҳам керакман” деган ишончни кўриш мумкин эди. Айрим махсулотлар шундоқ ёрқин, сифатли тайёрланганки, улар иштирокчиларнинг диққатини тортди, сотиб олинди, ҳатто тижорат таклифлари берилди.

Яна бир муҳим жиҳат – уларнинг меҳнатини жамият кўрди, қадрлади, тан олди.

ИЖОД, ИШОНЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

“Орзулар дунёси” акцияси ногиронлиги бўлган ёшлар учун нафақат ижодий, балки

иқтисодий ва руҳий-маънавий жиҳатдан ҳам катта имконият эшигини очди. Лойиҳа якунида қуйидаги аниқ натижаларға эришилди.

Биринчидан, ёшлар ўз махсулотларини реал бозорга олиб чиқиш имконига эға бўлди. Айрим асарлар сотилди, буюртмалар қабул қилинди, даромад келтирди.

Иккинчидан, руҳий-маънавий тикланиш ва ижтимоий фаоллашув кучайди. Натижада, акцияда иштирок этган ёшларнинг аксарияти ўзларига бўлган ишонч, масъулият ҳиссини кучайтирди. Улар жамоат тадбирларида, маҳалла фаолиятида, ижтимоий тармоқларда фаоллашди – “мен ҳам керакман” туйғуси кучайди. Психологик қўллаб-қувватлаш гуруҳлари орқали эътибор ва муносабатға эға бўлди.

Учинчидан, жамиятда ижобий муносабат шаклланди. Фуқароларнинг ушбу тоифаға нисбатан янги, конструктив муносабати шаклланди. Аҳоли орасида “истеъдод имконият талаб қилади” деган тушунча мустаҳкамланди.

ҲЕЧ БИР ОРЗУ БЕЪЪТИБОР ҚОЛМАЙДИ

“Орзулар дунёси” – бу шунчаки кўргазма эмас. Бу инсон салоҳиятиға эътибор, ногиронлиги бўлган ёшларға тенг ҳуқуқли майдон яратиш, инсон қадрини ҳар бир амалда намоён этишға йўналтирилган ҳаракатдир.

Зеро, ҳар бир фуқаро жамият аъзоси. Унинг қайси тоифаға мансублигидан қатъи назар, ҳар бири учун зарур муҳит, имкон ва кафолат бўлиши шарт. “Орзулар дунёси” – ана шу фалсафанинг ҳаётға татбиқ этилган намунасидир.

Бу лойиҳа ногиронлиги бўлган ёшларнинг фаол ҳаётға қадам қўйишиға кўмаклашган, уларға қўл узатган, салоҳиятини очиб берган муҳим ижтимоий платформа вазифасини ўтамоқда. Бугун уларнинг нафақат курашувчан ҳаётий позицияси билан, балки ижодий кураши, меҳнати, ватанға муҳаббати билан танишмоқдамиз. “Орзулар дунёси” – бундай ёшлар учун имкониятлар эшигини очган воқеалиқдир.



ФАОЛЛАРИМИЗ МИНБАРИ

МАҲАЛЛАДА МУЛОҚОТ

Каттақўрғон шаҳридаги "Ермачит" маҳалласида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгаши ташаббуси билан депутатларнинг тажриба алмашинуви, жойлардаги муаммоларни муҳокама қилиш, электорат билан тўғридан-тўғри мулоқот орқали депутатлик фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида учрашув ташкил этилди.

Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг барча соҳада фаоллиги ортиб бораётгани, ўтган йилги сайлов яқунларига кўра, парламентда ва маҳаллий кенгашларда аёл депутатлар сони сезиларли ошгани Ўзбекистонда гендер сиёсати соҳасида муҳим қадамлар қўйилаётганидан далолат беради.

Учрашувда депутат аёллар, Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги оила ва хотин-қизлар бўлими, "Аёллар" тарғибот гуруҳи, "Бувижонлар кенгаши" каби ҳамкор ташкилотлар вакиллари томонидан "Қонун ижодкорлигида аёл нуқтаи назарининг аҳамияти", "Худудларда аёллар муаммолари ва депутатлик аралашуви", "Маҳалладаги аёллар билан мулоқот ва ижтимоий ташаббуслар", "Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга оид давлат сиёсати"

каби долзарб мавзуларда чиқишлар қилинди.

Қизгин мулоқот тусини олган тадбирда уларнинг қонунчилик ташаббуслари, депутатлик назорати ва жамоатчилик билан ҳамкорлик, оилалар, ёшлар, эҳтиёжманд хотин-қизлар, имконияти чекланган шахслар билан боғлиқ масалаларда амалий ечимлар ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада ЎзХДП фаоллари амалга ошираётган ҳаётий ташаббуслар санаб ўтилди.

Учрашув сўнггида фаол аёлларга партиянинг эсдалик совғалари берилди ҳамда 10 дан ортиқ фуқаро партия сафига қабул қилинди.

Феруза РАҲИМОВА,
Самарқанд вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
раҳбари.

МУРОЖААТ ЭШИТИЛСА,
МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛАДИ



Кейинги пайтда одамлар ўз муаммолари юзасидан, турли ташкилотларга эмас, тўғридан-тўғри депутатларга мурожаат қилаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бу энг аввало халқ вакилларида бўлган ишонч натижасидир.

"Ногирон фарзандим бор, қизим учун ногиронлик аравачаси керак...", "Протез ва ортопедия буюмларига эҳтиёжим бор...", "Маҳалламизга электр устунлари ўрнатишда амалий ёрдам беринг, биз ушбу масаласида қийналяпмиз".

Бу мурожаатлар "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида халқ депутатлари Тупроққалъа туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Зиёда Раҳимберганова ташаббуси билан ўтказилган учрашувларда билдирилди.

Депутат "Обод" маҳалласидаги хонадонларда уйма-уй юрар экан, сайловчиларнинг ҳаёти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилди. Хусусан, учрашув жараёнида ногиронлиги бор шахсларни ташвишга солаётган камчиликларга гувоҳ бўлди.

Айтиш керакки, одамларга ёрдам бериш учун аввало истак, кейин эса вақт талаб этилади. Депутат эса ўз ваколатларидан келиб чиқиб, давлат ва жамият ўрнатишда кўприк вазифасини бажарадиган вакил. Шу сабабли ҳамкор ташкилотларнинг дастаги жуда муҳим саналади. Қачонки, масъуллар сергак тортса, депутатнинг мурожаати, сўровига эътибор қаратса, муаммолар йириклашмай, ҳал бўлади.

Шу нуқтаи назардан депутат "Обод" маҳалласида яшовчи аҳоли вакилларининг дардига дармонни "Инсон" ижтимоий хизматлар марказида, деган хулосага борди. Сайловчиларнинг мурожаатлари асосида ногиронлиги бўлган шахсларга реабилитация ва протез, ортопедия махсулотларини олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Хоразмлик депутатлар ижобий маънода бир-бири

билан беллашади. Бир ҳудудда ҳал бўлган мурожаат бошқа бир маҳаллада эшитилса, юзи кизаришини истамаган халқ вакиллари ҳамиша одамлар орасида. Ана шулардан бири халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашига 23-Учкун сайлов округидан сайланган депутат Машъал Ваисовдир. Депутатнинг ёнига келувчилар ҳам оз эмас, албатта. Масалан, яқинда Жалолиддин Мангуберди кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари муҳим бир масалани ўртага қўйди. Сайловчиларнинг айтишича, кўчадаги симёғочлар эскириб, яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Ёғоч устунлар чириб, айримлари чўккан ёки қийшаб қолган. Бу эса электр таъминотидаги узилишларга сабаб бўлмоқда. Аҳолининг яна бир хавотири эса, носозлик бирор чакнаш ёки ёнғинни келтириб чиқариши мумкинлиги билан боғлиқ.

Шу вайждан депутатга мурожаат қилган фуқароларнинг истаги кўп куттирмади. Яъни, партиямиздан сайланган депутат ушбу масалани зудлик билан ҳал қилиш керак, деган хулоса билан ҳаракатга киришди. Масала масъул ташкилотлар билан ўрганиб чиқилди ва қисқа фўрсат ичида 28 та янги электр таянч устуни ўрнатилишига эришди. Депутат ёрдами билан эндиликда, Мунис-Хоразмий маҳалласи аҳолиси хавфсиз ва барқарор электр таъминотидан фойдаланмоқда.

Мазкур мисоллар яна бир бор тасдиқлайдики, халқ вакиллари ҳақиқий маънода халқ орасида бўлиб, уларнинг дардини эшитмоқда, сезмоқда ва энг муҳими, муаммоларни ҳал қилмоқда. Бу фақат битта аравача ёки битта устун эмас — бу одамлар ишончи, умиди ва асосийси, ўз сўзи билан ҳаётни ўзгартиришга қодирлигининг ёрқин исботидир.

Назокат МАШАРИПОВА,
Ўзбекистон ХДП Хоразм
вилоят кенгаши ходими.

СИЁСАТДАГИ АЁЛЛАР ОВОЗИ



Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши томонидан "Сиёсатдаги аёллар овози" анжумани ўтказилди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси М.Қодирхонова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Қосимова, ЎзХДП Марказий Кенгаши партия гуруҳлари ва депутатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи М. Ҳасанова, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, партиянинг "Аёллар қаноти" фаоллари иштирок этди.

Анжуманнинг асосий мақсади аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги ўрни ва уларнинг қарор қабул қилишдаги таъсирини таҳлил қилиш, ҳудудий даражада янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат. Тадбирда айни шу йўналишларда маърузалар тингланди.

Шунингдек, вилоятда "Аёллар қаноти" томонидан ўтказилган тадбирлар сарҳисоб қилинди. Қайд этилдики, жорий йилнинг биринчи ярмида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар муаммоларини маҳаллий кенгаш

депутатларини бириктирган ҳолда босқичма-босқич ҳал этиш, ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида "Аёлларга кўмак" лойиҳаси амалга оширилган. Мазкур лойиҳа доирасида 462 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож опа-сингилларимизга ёрдам берилган. Жумладан, 7 нафар ногиронлиги бор хотин-қизларга аравача, 15 нафарига кўлтиқтаёк ва эшитиш мосламаси, 5 нафарига тикув машинаси берилиб, 153 нафар аёлга ҳуқуқий-психологик ёрдам кўрсатилган.

Тадбирда халқ депутатлари Қибрай тумани Кенгаши депутати Г. Тўхтаназарова, Бўка тумани кенгаши депутати М.Абдулазизова, Паркент тумани кенгаши депутати Ю.Убайдуллаева хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг оилада ва жамиятда ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Партия тадбирларида фаоллик кўрсатган хотин-қизларга ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгаши томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди. Шу куни партия сафига янги аъзолар қабул қилинди.

Малоҳат ЭРГАШЕВА,
ЎзХДП Тошкент вилоят
кенгаши бўлим бошлиғи

ИЖТИМОЙ ТАШАББУС – ЖАМИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН КУЧ

Ёшларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг гоя ва ташаббусларини тинглаш, қўллаб-қувватлаш ҳамиша долзарб. Мана шу эзгу мақсад йўлида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят Кенгаши ташаббуси билан Бағдод туманида "Ижтимоий ташаббуслар куни" акцияси ўтказилди.

Бу тадбир ёшлар билан ўзаро фикр алмашиш, уларнинг дард-у ташвишлари, орзу-мақсадлари, ташаббуслари билан танишиш, энг асосийси, фаол, юрагида ўти бор йигит-қизларга ишонч билдириб, қўллаб-қувватлаш платформасига айланди.

Бағдодлик ёшлар ўз маҳалласидаги, туманидаги, ҳатто республика миқёсидаги ижтимоий муаммоларга ечим сифатида жўяли таклифларини билдирди. Бу таклифлар экологик масалалардан тортиб, ёшлар бандлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини



ҳимоя қилиш, таълим сифатини оширишгача бўлган соҳаларни камраб олди.

"Ижтимоий ташаббуслар куни" акцияси ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий масъулиятини ошириш мақсадларига хизмат қилиши тадбир асносида ўзининг

амалий тасдиғини топди. Бу – Ўзбекистон ХДПнинг жамият, айниқса, ёшлар билан юзма-юз бўлишга доимо тайёр эканининг яққол ифодасидир.

Мунира ИСОМОВА,
ЎзХДП Фарғона вилоят
кенгаши бўлим бошлиғи

ШЎРЧИЛИК ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА



Мамлакатимиздаги тарихий ислохот ва оламшумул ўзгаришларда фаол иштирок этиш ҳар бир сиёсий партия вакилининг масъулиятли вазифаси ҳисобланади. Бу борада айниқса, депутатлар замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишлари талаб қилинади. Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган навбатдаги семинарда ҳам шулар ҳақида сўз юритилди. "Депутатлик гуруҳи фаолиятини яхшилаш – устувор вазифа" мавзуида ўтган тадбирда депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши котибият мудир Ботиржон Ражабов кириш сўзи билан очди. У ўз нутқида электоратимиз вакилларининг турмуш фаровонлигини яхшилашни даврнинг ўзи тақозо қилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу борада лоқайд ва бепарволикка берилмаслик лозимлигига эътибор қаратди.

–Ҳозирги кунда юртдошларимизни ишсизлик, ички йўллар, ичимлик суви

танқислиги ва инфратузилма билан боғлиқ масалалар қийнамоқда. – дейди 16-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати Гавҳар Шерматова.

Таълим, тиббиёт, банк-молия ва бошқа соҳаларда ҳам муаммолар кўзга ташланади. Уларга ечим топиш мақсадида депутатлик гуруҳи томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида "Лайлақхона", "Толли", "Далварзин", "Ёш ғайрат", "Ойнакўл", "Саксонкапа" ва бошқа маҳаллаларда ташкил қилинган сайёр ва кўчма қабулларда юздан

ортиқ мурожаатлар атрофлича ўрганилди. Уларнинг ўттиз фоизга яқини ижобий ҳал қилинган бўлса, асосий қисми тегишлилиги бўйича назоратга олинган. Корхона, ташкилот ва муассасаларга юборилган 69 та депутатлик сўровномаларининг 47 таси ижобий ечим топгани қувонарли. Ана шундай эзгу амаллар халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаши баробарида эртанги кунга бўлган ишончини ҳам оширмоқда. Семинар якунида бу борадаги ишларни мунтазам давом эттиришга келишиб олинди.

Феруза БОЛТАЕВА,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят
кенгаши бўлим бошлиғи



2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

ҚУРИБ БОРАЁТГАН ДАРАХТЛАР ЭКОЛОГИК ТАНАЗЗУЛГА ИШОРА ЭМАСМИ?

Бугунги кунда ҳароратнинг кескин кўтарилиши ҳамда сув танқислиги минтақамизда тобора жиддий тус олаётган муаммолардан саналади. Бу жуда кўп факторлар қаторида кўп йиллик дарахтлар ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Мутахассис-экспертлар ёзги ҳаво ҳарорати одатдагидан анча юқори бўлаётганини биргина глобал иқлим ўзгариши билан эмас, балки маҳаллий экологик муаммолар, хусусан, дарахтлар сонининг камайиб бораётгани ва мавжуд яшил ҳудудларнинг қаровсиз қолаётгани билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканини таъкидламоқдалар. Афсуски, сўнгги пайтларда жойларда, йўл ёқалари бўйлаб экилган ва мавжуд дарахтларнинг қуриб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Бир пайтлар тангадек соя тушмаган истироҳат ва дам олиш масканларида, хиёбонларда яшил майдонлар, кўкка бўй чўзган дарахтлар аёвсиз кесилиб, ўрнида бинолар қурилаётгани ҳам бор гап.

Дарахтлар ҳароратни муътадиллаштирувчи энг самарали ва арзон восита эканини унутаядиз. Улар ҳавони нафақат кислород билан бойитади, балки ўзининг сояси, барглари билан атрофдаги ҳароратни бир неча даражага пасайтиради.

Дарахтлар табиат гўзаллиги, экологик мувозанат ва инсон саломатлиги учун муҳим манбадир. Уларга бепарво муносабатда бўлиш келажак авлодга қолажак табиий меросга жиддий путур етказиши. Бироқ, сал аввал айтганимиздек, юртимизда дарахтларнинг кесилиши, қаровсизликдан қуриб қолиши ёки атайлаб йўқ қилиниши ҳолатлари учраб турибди.

Буларнинг бари маскур масалага янада устувор эътибор қаратиб, жамоатчилик диққат марказига олиб чиқиш учун сигнал бермоқда. Жазирама кунлар, чанг-тўзонли кўчалар, ҳаво етарлича айланишига тўсқинлик қилувчи бетон инфратузилма — барчаси аслида бир муаммонинг оқибатидир: дарахтлар кам, борлари эса вақтида суғорилиб, парвариш қилинмагани боис қуриб бормоқда.

Айниқса, йўл бўйларидаги, жамоат жойлардаги дарахтларни тизимли суғориш режаси йўқлиги, ёз мавсумида уларни қуриб қолишдан асраш бўйича зарур чоралар амалга оширилмаётгани ҳудудий экология, ободонлаштириш ва сув таъминоти хизматлари ўртасида мувофиқлаштирилган ҳаракатлар йўлга қўйилмаганини кўрсатмоқда. Ёки суғориш инфратузилмаларига қараб, гўёки дарахтларни сунъий қуритиш орқали ноқонуний

кесишга замин яратилмоқда, деб ўйлайсиз. Бу ҳолатни “яширин экологик жиноят” ёки “экологик саботаж” деб ҳам аташ мумкин. Яъни, ҳатто асрлар билан юзлашган дарахтларни қуритиш, уларга онгли равишда зарар етказиш орқали бошқа мақсадлар (ер ажратиш, қурилиш ишлари, ерларни эгаллаш) учун атай йўл очишга ўхшайди ушбу вазият.

Депутатлик фаолиятимиз давомида кўряпмизки, кўпгина ҳудудларда дарахтларни суғориш графиклари тузилмаган, суғориш тизими носоз ёки бутунлай йўқ. Маҳаллий бюджет ва коммунал хизматлар дарахтларнинг суғорилишини муҳим йўналиш сифатида кўрмаганлигиданми, бу борада аниқ амалий ишларга деярли дуч келмаяпмиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари

ушбу масалани эътибор марказига қайтариш мақсадида мавжуд экологик ҳолатни ўрганиш ва муаммоли нуқталарни аниқлаш бўйича мониторинг олиб бормоқда.

Маҳаллий Кенгашлар сессияларига ижро ҳоқимияти ва коммунал хизматлардан суғориш тизими ҳолати, молиялаштириш, техника ва кадрлар билан таъминланиш бўйича ахборот сўраш юзасидан таклифлар тайёрланмоқда. Ҳудудлар кесимида депутатларимиз дарахтларни суғоришга ажратилган маблағларнинг манбаси ва ишлатилишини таҳлил қилиб, бу ҳақида жамоатчиликка ҳисобот беришни устувор вазифалар сирасига киритмоқда.

Шу ўринда, ҳар йили кўкаламзорлаштириш мавсумида

экилган кўчатларни асраш маданиятини шакллантиришимиз жуда муҳим. Айни пайтда жойлардаги оқова сув муаммоси ёки сув тақчиллиги дарахтларнинг қуришига сабаб бўлолмайди. Ҳар бир экилган ниҳолнинг илдиз отиб, серсоя дарахт бўлиши учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Дарахтларга сув бериш – бу нафақат ободонлаштириш юмуши, балки иқтисодий ва экологик барқарорлик гарови, “яшил иқтисодиёт”га сармоя ҳисобланади. Шунининг унутмаслигимиз керакки, ҳар бир қуриган дарахт ҳавонинг ифлосланиши, ҳароратнинг янада ортиши ва инсон саломатлигига таҳдиддир.

Тегишли мутасаддиларни дарахтларга нисбатан бепарволикка чек қўйишга, уларни суғориш, асраш ва парваришда қатъий назорат остига олишга чақирамиз. Бугунги ҳаво ҳароратининг кескин иссиши бизга янги ва қиммат лойиҳалардан ҳам кўра, аввало, дарахтларни асраб қолишни эслатмоқда. Зотан, дарахтларни эмас, бепарволикни “кесиш” вақти келган!

Шоҳруҳ ЎКТАМОВ,
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси Ўринбосари.

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

– Олтими беш ёшдаман, – дейди “Гулистон” маҳалласида яшовчи Абдуқаҳҳор Омонов. – Беш фарзандим, ўндан ортиқ набирам бор. Ўтган асрнинг 65- йилларида ҳашар йўли билан қурилган мана шу мактабда таълим-тарбия олган бўлсак, ундан кейин фарзандларимиз ўқишди. Бугун набиралар қатнаёпти. Ахволни кўриб турибсизлар, бу ерда на 10 нафар ўқитувчига, на билим олаётган 108 нафар ўғил-қизга шароит бор.

...Ҳов анови жой – стадион. Эни – 10, узунлиги 15 метр келадиған супадек майдонда тўртта темирдан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Қаровсиз жойда ўйингоҳ қуришни мақсад қилгандик. Барака топгур, қишлоқдошимиз Илҳом бунга бажонидил рози бўлганди ҳам. Нима бўлди-ю ишлар бирдан “тақа-тақ” тўхтади.

– Ўйингоҳ биз учун 60-65 йиллик орзу, – дейди яна бир меҳнат фахрийси Жўрақобил Йўлдошев. – Аслида, ўз даврида 8-мактаб ҳудуди 15 сотихча бўлган. Йиллар ўтиши билан майдони негадир қисқариб кетди. Фақат Узун туман прокуратурасининг аралашуви билан 2023 йилда 5 сотихча жой даргоҳ тасарруфига қайтарилган эди. Ҳозир 8 сотихдан нари-бери бўлса керак...

– Маҳалламизда 4 минг 500 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди гулистонлик Намоз Қоржовов. – Уларнинг олтимиш фоизга яқинини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Навқирон авлод вакиллари учун на стадион бор бизда, на дам олиш маскани қурилган, на сайилгоҳни учратасиз. Болалар бегона ўтлари “жизғанак” бўлиб, тиканлар “бўй” кўрсатган мана шу бир парча жойда футбол ўйнашга мажбур. Яқинда тўп беҳосдан электр симига тегиб кетибди,

денг. Қисқа туташув натижасида шунақанги “жаор-жур” бўлдики, асти қўяверинг. Трансформатор куйиб, бир кеча зимистонда қолдик. 15 миллион сўм эвазига ускуна созланди. Биз учун армон бўлган ўйингоҳ набираларга насиб қилсин, деб кўюнамиз-да.

– Кўп йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, – дейди Илҳом Омонов. – Бир неча йил хорижда ҳам меҳнат қилдим. Жорий йилнинг бошида маҳалла фаоллари футбол майдончасини қуриш учун қарийб олтимиш йилдан буён фойдаланилмай турган бўш жой танлангани ва ҳомий заруригини айтиб қолишди. Фарзандларимизнинг соғлом бўлиб вояга етишларини ўйлаган ҳолда бу қурилишни зиммамга олдим. Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп, деганларидек бирпасда ҳомийлар кўпайди. Икки-уч кунда 220 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўпланди.

Ҳужжат ишларига келганда эса Узун тумани ҳокимлиги масъуллари жиддий

қаршилиқ қила бошлади. Ташландиқ жой гоҳ фуқарога тегишли эканлиги айтилса, гоҳ ирригация бошқармасига қарашли, деган баҳоналар рўқач қилинди. Диллар хира тортиб, кўнгил совиди. Ҳудуд ҳеч кимнинг тасарруфида эмаслиги аниқлангач, яна масъуллар эшигини қокдим. Буни қарангки, тагин фойдаси бўлмади.

Шу ўринда бир гапни айтай. Бу ерда ҳеч қандай моддий манфаатдорлик йўқ. Ўйингоҳ қуриб, бир-икки сўм ишламоқчи ҳам эмасман. Худога шукр, бари етарли. Мактаб учун, ўқувчилар учун, маҳалла учун хайрли ишга бел боғлагандим, холос.

Тадбиркорнинг ранжиганича бор. Ахир саховатпеша ва олийҳиммат инсон ўйингоҳ барпо этмоқчи экан, бунинг нимаси ёмон? Аксинча, унга тасанно айтиш керак эмасми? Ҳолатга ойдинлик киритиш ва шу саволларга жавоб олиш мақсадида Узун туман ҳокимлиги мутасаддиларига учрашдик.

– Сиз айтган масала юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилмоқда, – дейди Кадастр агентлигининг Узун туман филиали масъул ходими Камол Набиев. – Тегишли ҳужжатларнинг асосий қисми тайёр бўлган. Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан ҳудудни мактаб тасарруфига ўтказиб бериш чоралари кўрилаяпти. Вилоят ҳокимининг қароридан кейин масала узил-кесил ечим топади.

Бунга қанча вақт талаб қилиниши билан қизиқамиз.

– Тахминан икки ойча кетса керак, – дейди К. Набиев.

– Савобли амал кун келиб саробга айланмайдими, ишқилиб?– сўраймиз ундан.

– “Гулистон”да ажойиб ўйингоҳ қурилишига кафолат бераман...

Масъулнинг ваъдасидан кўнглимиз бироз ёришади. Гулистонликлар орзу-ниятини Узун тумани ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимликлари масъуллари қўллаб-қувватлашига умид уйғонган ҳолда ортга қайтдик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ХОРИЖ ПАРЛАМЕНТИ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

ГСДП ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК
ТАРАФДОРИ

Айтиш керакки, ер юзидаги инсонлар адолат ва тенглик учун курашмоқда. Дунё давлатчилигида барқарорликни сақлашнинг энг тўғри ва оқилона йўли ижтимоий сиёсат юритиш экани тобора устуворлик касб этмоқда. Асосийси, бу тенденция ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлашдек умуминсоний ғояларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Юқорида биз тилга олган “сўллар” аини шу ташаббуслар орқали давлат бошқарувида иштирок этмоқда.

Масалан, Европа минтақасига кирувчи 48 та мамлакатдан 10 тасида сўл партиялар кўпчилик овозга эга бўлиб, ҳукуматни бошқаришда қатнашади. Ана шулардан бири қонунларга риоя қилиш бўйича устуворликка эга бўлган Германиядир.

Германия социал-демократик партияси (SPD) аини пайтда парламентдаги етакчи партиялардан бири бўлиб келмоқда. Мазкур тузилма 1863 йилда ташкил топган.

2021 йилдаги сайловларда кўпчилик овозига эга бўлиб, Бундестагда 206 та ўринни эгаллаган. Аммо 2025 йилда бу кўрсаткич ўзгарди. Яъни, Бундестагга бўлиб ўтган сайловларда сўл партиянинг муваффақияти кўпчилик учун қутилмаган тус олди. Яъни, сайловолди сўровномаларида парламентга кириш учун зарур бўлган 5 фоиздан кам овоз тўплади. 23 февралдаги овоз бериш жараёнида у 8,77 фоиз овоз олиб, янги Бундестагдаги 650 ўриндан 64 тасини эгаллади.

Маълумотларга қараганда, 8 йил давом

ГЕРМАНИЯДА
“СЎЛЛАР” ЕТАКЧИ

этган муҳокамалардан сўнг, 2007 йил октябрдаги қурултойда партия дастури қабул қилинган. Унга асосан, партия умумхалқ манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, ижтимоий адолатни, жамиятнинг барча аъзолари учун имкониятлар тенглигини ва ижтимоий бирдамликни таъминлашга қаратилган демократик социализмни қуриш ғоясини илгари суради.

Партия мувофиқлаштирилган ижтимоий бозор иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва барқарор фискал сиёсатни жорий этиш тарафдори ва ушбу иқтисодий тизимни бутун аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун зарур, деб билади.

ПАРТИЯ САЙЛОВОЛДИ
ДАСТУРИДАГИ АСОСИЙ
ЖИҲАТЛАР

Халқаро тажриба шунини кўрсатадики, сўл партияларнинг ташаббуслари кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, ногиронлиги бўлган шахслар, умуман, жамиятнинг энг ҳимоясиз қатлами вакиллари учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратишга қаратилган. Худди шунингдек Германия социал-демократик партияси аини ғояларни илгари суради. Партиянинг умумий ғояси “неолиберализм” тизимига қарши ишлаб чиқилган. Яъни, янги демократик иқтисодий тизим учун, ишсизликни бартараф этиш, иш вақтини қисқартириш, ижтимоий ва экологик қайта қуриш (муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, экологик тоза технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш), барча учун тенг ҳуқуқли инклюзив жамият, муносиб пенсиялар, адолатли солиқ тизими ва яна бошқа масалалар қамраб олинган. Айтилик, уй-жой ижараси ҳақини оширмаслик, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва транспортда ҚҚСни бекор қилиш, электр ва иссиқлик энергияси тарифларини пасайтириш, бойларга қўшимча солиқ солиш, кўчмас мулкка эга йирик компанияларни миллийлаштириш сингари мақсадлар партиянинг сайловлардаги асосий тарғибот воситалари саналади.

» **ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ШУНИ КЎРСАТАДИКИ, СЎЛ ПАРТИЯЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ КИШИЛАР, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР, УМУМАН, ЖАМИЯТНИНГ ЭНГ ҲИМОЯСИЗ ҚАТЛАМИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН.**

Партия дастурига кўра, фуқароларни барқарор ва қафолатланган пенсия билан таъминлаш — бу йиллар давомида кам ойликка ишлаган кўплаб одамларни қариликда камбағал бўлиш хавфидан ҳимоя қилади.

Фуқароларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш масаласи ҳам партия дастуридан ўрин олган. Германия “сўллар”и бунинг учун янги қурилиш дастурлари ҳамда имтиёзли кредитлар орқали ижтимоий ва кооператив уй-жойлар қуриш, ётоқхоналарда янги ўринлар яратишга кўмаклашиш ва оилавий уй-жой мулкдорларини қўллаб-қувватлаш тарафдори. Шунингдек, ижара нархларини ошириш устидан назоратни ўрнатиш ва ижара нархлари ошишини чеклашга эришиш таклиф этилган.

Германия социал демократлари учун давлат сиёсатидаги иккинчи муҳим масала бу таълим сифати ва самодорлигига эришдан иборат. Шундан келиб чиқиб, партия дастурида ушбу соҳага алоҳида урғу берилган. Жумладан, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча болалар ва ёшлар тенг имкониятларга эга бўлиши, улар ўз потенциалини рўёбга чиқариши учун эса давлат зарур шароитларни таъминлаши кераклиги белгиланган. Бунинг учун мактаб ҳамда боғчалар қуриш, таъмирлаш ва уларда тенг имкониятлар яратиш ташаббуси ўрин олган.

Бундан ташқари, сўл партия Шарқий Германияга нисбатан сиёсатни ўзгартиришни талаб қилади. Масалан, Шарқий немислар тажрибасини хурмат қилиш, шарқий ҳудудларда саноат ва илм-фанни ривожлантириш, иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар соҳасидаги камситишларга

барҳам бериш зарурлигини таъкидлайди. Неолиберал сиёсат ва милитаризм туфайли Европа Иттифоқи дунёнинг бир қатор минтақаларида қашшоқлик, фуқаролар урушлари, атроф-муҳит ҳалокати ва этник можаролар учун жавобгарликни ўз зиммасига олишини таъкидлаб, “янги бошланиш” босқичини таклиф қилади. Қолаверса, прагматик ташқи сиёсат тарафдори ва ҳужумкор қуролларни ишлаб чиқиш ҳамда реализациясига қатъиян қарши. Партия адолатли иқтисодий сиёсат олиб бориш, камбағал мамлакатлардан қарзларни олиб ташлаш ва уларнинг ривожланиши учун ёрдамни ошириш каби масалаларни қўллаб-қувватлаш керак деган ғояларни ҳам илгари суради. Европа сўл партияси қатор ҳамфикр сиёсий тузилмалар ва бирлашмалар, шу жумладан, Германия Коммунистик партияси билан фаол ҳамкорлик қилади.

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТЛАР
ЁШАРМОҚДА

Партия тарғиботи асосан, форумлар, турли мавзуларга оид давра суҳбатлари, аҳоли ўртасида ижтимоий сўровнома, ТВда дебатлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, партия тарғиботи ижтимоий тармоқлардаги Instagram, Facebook саҳифаларида, YouTube каналида партия депутатларининг муносабатлари, фаолиятига доир роликлар орқали ёритиб борилади.

Муваффақиятнинг яна бир қалити ижтимоий тармоқлардаги фаоллик, янги қиёфалар ва “ультра ўнг”га қарши курашдан иборат. Турли ёш тоифасидаги кишилар мамлакатнинг барча минтақалари бўйлаб таъсирчан нутқлари билан тарғиботларда иштирок этади. Халқ орасида хурмат ва эътибор қозонган инсонларнинг ортидан эргашувчилар эса ҳамиша кўп бўлади.

Эътиборлиси, 60-70 ёшли нотиқлар ҳам ёшлар учун мослаштирилган видеолар билан ижтимоий тармоқларда фаол. Натижада эса ёшларнинг энг кўп вақт ўтказадиган Instagram месенжерида Германиянинг барча сиёсий партияларига қараганда энг кўп ўқувчиларига эга. Тик-Токда обунчалар 400 мингга яқин бўлса, Facebook’да уларнинг сони 230 мингдан зиёд.

Табиики, бу каби амалиёт натижасида партия аъзолари ёшариб бормоқда. Аини пайтда партиянинг ўртача ёши 43-44 экани таъкидланади. Сиёсатшунослар буни ГСДП ва Яшиллар иштирокида уч йил ҳукмронлик қилган “светофор” коалициясининг сиёсати билан изоҳлайди. Уларнинг фикрича, коалициянинг хатоларга йўл қўйиши ёшларнинг ҳафсаласини пир қилди. Натижада германиялик ёшлар орасида сўлларнинг нуфузи ортиб борапти.

Шуни ҳам айтиш керакки, партия фаолияти унинг расмий наشري – “Олға”, яъни, “Vorwärts” газетасида кенг ёритилади. Газета ҳар икки ойда 500 000 дан ортиқ нусхада чоп этилади ҳамда барча партия аъзоларига тарқатилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ЧИҚИНДИДАН ҚАРЗДОРЛАРГА
ҚАНЧА МУДДАТ БЕРИЛАДИ?

Мамлакатимизда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари бўйича тўлов интизомини кўчайтириш мақсадида янги тартиб жорий этилмоқда.

Унга кўра, ҳар ойнинг 3-санасига қадар республика бўйича қарздор абонентлар тўғрисидаги маълумотлар Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг “Тоза макон” биллинг электрон тизимидан “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг биллинг тизимига узатилади.

Сўнгра чиқинди хизматларидан қарздор абонентларга ҳар ойнинг 5-санасигача “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг “2100” қисқа рақами орқали “СМС” хабарнома юборилади. Абонентларга ушбу огоҳлантириш

юборилганидан кейин 5 (беш) кун қарздорликни бартараф этиш учун қўшимча муддат берилади. Мавжуд қарздорлик ушбу муддат ичида тўланиши лозим. Абонентлар томонидан белгиланган муддатда қарздорлик бартараф этилмаса, уларда электр энергияси учун тўлов қилиш имконияти вақтинчалик чекланади.





Ўзбекистон – ижтимоий давлат. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда мустаҳкамланган ушбу тамойил эҳтиёжманд қатламларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашда, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий изоҳотларнинг қамровини изчил кенгайтиришда ўзининг амалий тисдиғини топмоқда.

Президентимизнинг 2024 йилда ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳолини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб-хунар, тиббиёт

ЯНГИЛИК

ИЛК РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

масалаларини ҳал қилиш ва яшаш шароитини яхшилаш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтган эди. Бу борада яхши тажрибалар борлиги, хусусан, Тойлоқ ва Косонсой туманларида Илк ривожланиш марказлари очилгани, уларда камбағал оиладаги ва ногиронлиги бўлган 4 минг 200 нафар болага боғча таълими берилгани эътироф этилиб, вилоят ҳокимларига бу амалиётни ҳар бир туманда татбиқ қилиш вазифаси топширилган эди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Илк ривожланиш марказлари тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Мазкур низомга кўра, эндиликда жойларда Илк ривожланиш марказлари 3–6 ёшли болаларни, хусусан, камбағаллик даражаси юқори ва инклюзив таълимга эҳтиёжи бўлган оилалар фарзандларини қамраб олган ҳолда ташкил этилади.

Марказлар 2 та модель асосида фаолият кўрсатади. Биринчиси, махсус

мактабгача таълим хизмати модели. Бунда педагоглар томонидан алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган оилаларнинг 2–7 ёшли фарзандлари учун яшаш хонадонига борган ҳолда таълим-тарбия бериш йўлга қўйилади. Иккинчиси, ўйин гуруҳи модели. Мазкур фаолият шаклида 3–6 ёшли болалар учун Илк ривожланиш марказларда қисқа муддатли (3,5–4 соат) гуруҳлар очилади.

Илк ривожланиш марказлари туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳузурида ташкил қилинади. Марказларга қабул қилинадиган барча тарбияланувчилардан ота-она тўлови ундирилмайди.

Шак-шубҳасиз, бундай хайрли ташаббус замирида жамиятимиздаги ёлғиз оналар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва имконияти чекланган оила фарзандларига кўмаклашишдек олижаноб мақсад турибди.

Ўз мухбиримиз.

ИЖТИМОЙ ФИКР

АҲОЛИ ТҮЙЛАРНИ КАМТАРОНА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁР, АММО...

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан “Ўзбекистонда тўйлар” мавзuida кенг қамровли ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Ушбу амалий ва ахборот характеридаги сўровнома онлайн шаклда, ижтимоий тармоқлар ва ҳамкорликдаги платформалар орқали ташкил қилинди. Унда жами 1 минг 247 киши иштирок этган бўлиб, уларнинг 34,3 фоизи 18-30 ёшдагиларга, 35,5 фоизи 30-45 ва 30,2 фоизи 50 ёшдан ошганларга тўғри келади. Респондентларнинг катта қисми (71,13 фоизи) оила қурганлардан иборат.

Тадқиқотда барча ҳудудлардан иштирокчилар қамраб олинган бўлиб, уларнинг аксарияти тўй анъаналари ва харажатларидан яхши ҳабардор эканини баён қилди.

Таҳлилларга кўра, респондентларнинг 81 фоиздан зиёди оилавий даромади ойига 5 миллион сўмдан 12 миллион сўмгача эканини

қайд этган. Шу билан бирга уларнинг 65 фоиздан ошиги тўй учун 50 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача ёки ундан ҳам кўпроқ маблағ сарфлаган. Бу эса айнан тўй харажатлари кўплаб оилаларни қарз ботқоғига ботирган бўлиши эҳтимолини пайдо қилади.

Аслида “жамият босими” ва “ота-онанинг орзуси” каби омиллар тўй харажатлари ортишида асосий ўринни эгаллашини сўровнома натижалари кўрсатмоқда.

Респондентларнинг қарийб 40 фоизи “камтарона, яқинлар даврасидаги тўй”ни идеал деб ҳисоблаган. Жумладан, “Тўй қандай бўлиши керак?” деган саволга 39,62 фоиз иштирокчи “Камтарона” ёки “Ўртача, яқинлар даврасида” каби вариантларни танлаган. “Дабдабали”, “ҳашаматли” вариантини эса атиги 6,66 фоиз респондент афзал кўрган.

Кўплаб респондентлар дабдабали тўйлар – бу “кераксиз стресс ва қарзларга сабаб”, деган фикрни маъқуллаган ва тўй дабдабалари учун кўп маблағ сарфланганидан афсусланганлар 44,51



фоизни ташкил этган.

Бундан англаш мумкинки, жамиятимизда дабдабали тўйларнинг самарасизлиги ҳақида аниқ тушунча мавжуд ва одамларимизда кўпроқ камтарона тўй ўтказишга бўлган истак кучли. Бироқ бу рационал ёндашув ижтимоий меъёрлар ва анъаналар тўсиғини енга олмаяпти. Одамлар икки ўт ўртасида қолган: сарфлашни истамайдилар, аммо мажбур бўлишмоқда. Демак, тўйларни ихчамлаштириш борасида жамоатчилик ва давлатнинг ҳамкорликдаги аниқ қадамлари зарур.

Интернет манбаси асосида тайёрланди.

UZAUTO MOTORS” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШ Тўғрисида
ХАБАРНОМА

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

“UZAUTO MOTORS” АЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ 2025 йил 7 июлдаги БАЁННОМАСИГА АСОСАН ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2025 йил 29 июль куни 15:00 да ўтказилади.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИНИ МАСОФАДАН ТУРИБ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ОНЛАЙН РЕЖИМДА ЎТКАЗИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН “ЭЛЕКТРОН ОВОЗ БЕРИШ - ЭВОТЕ” (HTTP://EVOTE.UZ/) ЭЛЕКТРОН ОВОЗ БЕРИШ СЕРВИСИ ОРҚАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2025 йил 23 июль ҳолатига тузилади. Ушбу санада тузилган реестрга киритилган акциядорлар 2025 йил 29 июль кунги жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида қатнашадилар.

Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 13 уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzautomotors.com

Кун тартиби:

1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. Жамиятнинг 2024 йил учун Бизнес режа параметрлари бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботини эшитиш.

3. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик текшируви ҳисоботи ва хулосасини кўриб чиқиш.

4. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича тузилган йиллик ҳисоботини, шунингдек, фойда ва зарарларини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш, шунингдек, дивиденд тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш.

6. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

7. Жамият Кузатув кенгаши аъзосини муддатидан аввал ваколатини тугатиш ва янги аъзосини сайлаш.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 13 уй манзилида жойлашган жамиятнинг бош офиси биносида 2025 йил 7 июлдан 2025 йил 29 июлгача, иш кунлари соат 10:00 дан 15:00 гача танишишлари мумкин.

Акциядорлар <http://evote.uz/> интернет сайтининг электрон овоз бериш сервиси орқали йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига киритилганлиги ҳақида электрон хабар олган вақтдан бошлаб акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорлар сифатида рўйхатдан ўтган деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида электрон овоз бериш сервиси орқали иштирок этиш қоидалари (шартлари) билан <http://evote.uz/> сайтида танишиб чиқишингизни сўраймиз.

Телефон: 78 140-55-40 (3-1731 ва/ёки 1727#)

Жамият Кузатув кенгаши.



ЖАДИДЛАР ҲИКМАТИ

Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур.

Абдулла АВЛОНИЙ

Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилуб турғон вужудимизга, танимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила қирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса – миллат яшар.

Абдулҳамид Чўлпон

Илм – билмаган нарсаларини билганлардан ўрганмоқдир. Илм – одамнинг зеҳнини очар, ақлини орттирар, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда бахтли ва иззатли қилур.

Мунавварқори АБДУРАШИДХОНОВ

Тўй ва таъзияга сарф қилатурғон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм вадин йўлига сарф этсак, анқариб оврўпойиллардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайдур.

* * *

Биз ўз қисматимизни биламиз... агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодати учун керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз... Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Аввало, миллатнинг манфаати учун ҳаракат қилмаган одам охират саодатига эриша олмайди!

Абдурауф ФИТРАТ

Хулоса – бошқаларнинг хизмати дафтар билан собит бўлса, меним хизматларим матбуот билан равшандир...

Абдулла ҚОДИРИЙ



Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши Янгибозор туман партия кенгаши раиси лавозимида ишлаган **Шарипбой ЮСУПОВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:



O'zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 737. 1635 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda